

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

**Бухоро озиқ – овқат ва енгил саноат технологияси
институти**

«Умумий кимё» кафедраси

Гуламова М.Т.

**Махсус сиртки йўналиши талабалари учун «Аналитик кимё»
фанидан назорат ишларини бажариш бўйича**

Услубий кўрсатма

Бухоро – 2004

Такризчилар:

Мухаммадиев Б.Т. институтнинг

«Умумий кимё»

кафедраси мудири ,доценти

Саломов Х.Т. институтнинг «ООТ»

Факультети декани, профессор.

Услубий кўрсатма Бухоро ОО ва ЕСТИ «Умумий кимё» кафедраси (2004 йил 1 январ баённома № 6) ва институт услубий кенгашида (2004 йил 1 март баённома № 8) йиғилишларида тасдиқланган ва чоп этишга тавсия этилган.

Аннотация

Услубий кўрсатмада фаннинг моҳияти, усуллари тўғрисида қисқача изох, фан бўйича ўқув-ишчи дастур, фан бўйича баҳолаш меъзони, талабанинг мустақил вариант танлай олиши учун умумий услубий кўрсатма, вариантдаги саволларга жавоб ёзиш учун асосий ва қўшимча адабиётлар, масала ва машқларни ечиш учун намуналар келтирилган.

М У Н Д А Р И Ж А

1.КИРИШ	4
2.Аналитик кимёдан ишчи дастури	5
3. Фан буйича укув - услубий маълумотлар	9
4. Фан буйича баҳолаш мезони	9
5. Назорат ишини олиш учун курсатма	10
6. Талаба назорат ишни бажаришда қуйидаги шартларга риоякилиш керак.....	11
7. Масала ва машқлар	11
8. Оралиг назорат ишларнинг вариантлари.....	29
9. АЙРИМ МАСАЛАЛАРНИ ЕЧИШГА ДОИР НАМУНАЛАР	32
10. ИЛОВАЛАР	37

1.КИРИШ

Мазкур услубий кўрсатма Ўзбекистон Республикаси Олий ўқув юртларининг озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси бўйича таълим олаётган бакалавр талабалари учун мўлжалланган.

Аналитик кимё моддаларнинг сифат ва миқдорий таркибини анализ қилишнинг назарий асослари ва усулларини ўрганадиган фандир.

Аналитик кимё сифат ва миқдор анализидан иборат. Сифат анализининг вазифаси таркиби номаълум модда ёки аралашманинг таркибий қисмларини, ўрганиш бўлса, миқдор анализининг вазифаси эса ўша моддадаги ёки аралашмадаги бир ёки бир неча таркибий қисмлар миқдорини аниқлаш.

Аналитик кимёга оид масалаларни қуйидаги усуллар ёрдамида ҳал қилиш мумкин: кимёвий, физикавий ва физик-кимёвий усуллар.

Кимёвий усул билан иш кўрилганда аниқланиши лозим бўлган элемент ёки ион ўзига хос хусусиятли бирор бирикмага айлантирилади ва аини бирикма ҳосил бўлганлиги асосида хулоса қилинади.

Анализнинг физикавий усуллари модданинг кимёвий таркиби билан унинг айрим физикавий хоссалари ўртасидаги боғланишдан фойдаланишга асосланган (спектрал, люминесцент, рентгеноструктура ва ҳоказо).

Анализнинг физик-кимёвий усуллари модданинг кимёвий реакциялар жараёнида физикавий хоссаларининг ўзгаришини аниқлашга асосланган. Бу уччала анализ усуллари орасига ҳамма вақт кескин чегара қўйиб бўлмайди. Баъзан физикавий ва физик-кимёвий анализ усуллари инструментал анализ усуллари дейилади. (спектрал, электрокимёвий, ажратиш ва концентрлаш).

2.Аналитик кимёдан ишчи дастури

Аналитик кимё фанининг мақсади ва унинг ўқув жараёнидаги ўрни

Фани ўрганишдан мақсад:

Аналитик кимё - ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё ва маҳсулотларнинг кимёвий таркибини анализ қилиш усулларининг назарий ва амалий асосларини ўрганадиган фандир.

Фани ўрганишдан мақсад – кимёвий ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган технологик жараёнларга боғлиқ бўлган замонавий анализ усуллари билан танишиш ва уларни ўрганиш.

Фаннинг ўрганадиган муаммолари:

Талабаларнинг мутахассислигига тегишли махсус фанларни ўрганиш ва иш фаолиятида фойдаланиш учун кимёвий системаларнинг асосий тушунча ва қонуниятлари, моддаларнинг аналитик хоссалари, хом ашё ва маҳсулотни идентификациялаш ва назорат қилиш, олинган анализ натижаларини ҳисоблаш техникасидан фойдаланган ҳолда математик қайта ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиб, ҳамда кимёвий фикрлаш қобилиятини шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат.

Фаннинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги:

Аналитик кимё фани ксепгина фанлар билан боғлиқ, айниқса физика, математика, ҳисоблаш техникаси фанлари билан такомиллашади.

Фаннинг таркиби.

Мавзунинг номи, уларнинг мазмуни ва уларга ажратилган соатлар миқдори.

1. Маъруза. Кириш. Кимёвий анализ. Сифат анализи асослари.

Гамоген ва гетроген системаларда мувозанат

Аналитик кимё фани ва унинг усуллари. Сифат ва миқдор анализи. Умумий ва хусусий реакциялар. Аналитик реакцияларнинг сезгирлиги ва

ўзига хослиги. Гуруҳ реагенти. Ионлар классификацияси. Элементларнинг даврий системадаги ўрни билан уларнинг аналитик хоссалари орасидаги боғлиқлиги.

Кимёвий мувозанат. Массалар таъсири қонуни. Электролитик диссоциланиш. Сувнинг ион қўпайтмаси. pH ва pOH ҳақида тушунча Буфер эритмалар. Буфер эритмаларнинг pH ва pOH ини ҳисоблаш. Буфер эритмалардан аналитик кимёда фойдаланиш. Тузларнинг гидролизи. Гидролиз даражаси ва доимийлиги. Гидролизланган туз эритмалари pH ва pOH ини ҳисоблаш. Гидролиздан аналитик кимёда фойдаланиш. Амфотерлик. Амфотерликдан аналитик кимёда фойдаланиш.

Чўктириш кимёвий анализ усули. Эрувчанлик. Эрувчанлик қўпайтмаси ва ундан кимёвий анализда фойдаланиш. Чўкмаларнинг эришига таъсир қилувчи омиллар. Туз эффекти. Комплекс бирикмалар ва уларни ҳосил қилиш реакцияларнинг назарий асослари. Барқарорлик доимийси. Аналитик кимёда комплекс бирикмалардан фойдаланиш. Ички комплекс бирикмалар.(2 соат)

2. Маъруза: Микдорий анализ. Тортма анализ ва ҳажмий анализ усуллари.

Микдорий анализ. Микдорий анализ усуллари: тортма ва ҳажмий (титриметрик). Микдорий анализдаги хатолар. Олинган анализ натижаларини математик статистика усули билан қайта ишлаш.

Тортма анализ ва унинг турлари. Тортма анализнинг бажариш тартиби. Тортиладиган ва чўктириладиган шакллар ва уларга қуйилган талаблар. Аморф ва кристалл чўкмалар ҳосил бўлишнинг шарт-шароитлари. Тортма анализнинг афзалликлари ва камчиликлари. Тортма анализдаги ҳисоблашлар.

Эритма концентрациясини ифодалаш усуллари. Титриметрик анализнинг турлари, титрлаш усуллари, ҳажмий анализнинг бажариш тартиби. Титриметрик анализда борадиган реакцияларга қуйилган талаблар,

стандарт эритмалар ва уларга қуйилган талаблар. Нейтраллаш (кислота-асосли титрлаш) усулининг моҳияти. Эквивалент нукта ва уни аниқлаш усуллари. Кислота-асосли индикаторлар. Титрлаш эгри чизиқлари.

Оксидланиш - қайтарилиш усулларининг моҳияти ва турлари. Асосий оксидловчи ва қайтарувчилар. Оксидланиш-қайтарилиш потенциаллари ва унга таъсир қилувчи омиллар. Оксидланиш-қайтарилиш реакцияларининг мувозанат доимийси. Нернст тенгламаси. Оксидланиш - қайтарилиш реакциясининг йўналишини аниқлаш.

Перманганометрик титрлаш усулининг моҳияти. Оксидланиш-қайтарилиш индикаторлари. Перманганометрик титрлаш усули билан моддалар миқдорини аниқлаш.

Ҳажмий анализни чўктириш ва комплекс ҳосил қилиш усулининг моҳияти ва турлари. Комплексонометрик титрлаш усулининг моҳияти. Комплексонлар тўғрисида тушунча. Комплексонометрик анализ усулининг назарий асослари. Комплексонометрик титрлашда эритма муҳитининг (рН) таъсири, эквивалент нуктани аниқлаш усуллари. Металл - индикаторлар. Аналитик кимёда комплексонометрик титрлашдан фойдаланиш (2-соат).

3-Маъруза: Физик - кимёвий анализ усуллари

Физик - кимёвий анализ усуллари. Потенциометрик анализ усулининг моҳияти. Электроднинг турлари. Гальваник элемент. Тўғри потенциометрия. Потенциометрик титрлаш ва титрлаш эгри чизиқлари. Эквивалент нуктани аниқлаш. Потенциометрик титрлашда борадиган реакциялар ва уларга қуйилган талаблар. Потенциометрик титрлашнинг ишлатиш соҳалари. Потенциометрик титрлашнинг афзаллиги ва камчиликлари.

Оптик анализ усулининг турлари. Фотометрик усулнинг моҳияти Бугер-Ламберт-Бер қонуни. Моляр нур ютилиш қонунидан четланишлар. Ёруғлик ютилишининг адитивлик қонуни. Оптик анализ усулида модда миқдорини аниқлаш усуллари. Фотоэлементлар ва уларнинг ишлатилиши, ёруғлик фильтри ва уни танлаш. Фотометрик усулнинг афзаллиги ва камчиликлари.

Анализнинг хроматография усулини назарий асослари.. Хроматографик усулининг туркумланиши. Қоғоз хроматографияси. Ион алмашилиш хроматографияси. Газ асорбцияланиш ва газ суюқлик хроматографиясининг ўзига хослиги. Хроматографик колонка. Термостат, дозатор, детектор, колонка эффективлиги назарий ликопчалар баландлиги назарий ликопчалар сони, фазалар селективлиги. Сифат анализи. Микдор анализи. Нефть ва нефть маҳсулотларини идентификациялаш.

Экстракция. Ажратиш ва концентрлаш усули. Тақсимлаш коэффиценти. Тақсимланиш доимийлиги. Ажралиб чиқиш даражаси. Асосий экстрагентлар. Экстракция усулининг афзаллиги ва камчиликлари. Экстракция усулининг ишлатиш соҳалари (2-соат).

Аналитик кимё фани бўйича бажариладиган лаборатория - тажриба ишлар рўйхати (16-соат)

№	Дарс мавзуси (Ишнинг номи)	Ажратилган соат
1	Аналитик кимё лабораториясида ишлаш ва хавфсизлик техникаси қоидалари	
2	Биринчи ва иккинчи аналитик гуруҳ катионларининг хусусий реакциялари	1
3	Учинчи аналитик гуруҳ катионларининг хусусий реакциялари	2
4	Учинчи гуруҳ катионлари аралашмасининг анализи	1
5	Тортма анализ билан кристаллогидратлар ва озик-овқат маҳсулотлари (буғдойнинг, ноннинг намлигини) таркибидаги сувнинг миқдорини аниқлаш. (масалалар ечиш)	3
6	Титриметрик анализ. Кислота-асосли усул NaOH эритмасининг титрини аниқлаш Моддаларнинг кислоталилигини аниқлаш а) Сирка таркибидаги сирка кислота миқдорини аниқлаш б) Сутнинг кислоталилигини аниқлаш в) Қатиқнинг кислоталилигини аниқлаш г) Муз қаймоқнинг кислоталилигини аниқлаш д) Ноннинг кислоталилигини аниқлаш	2
7	Перманганатометрик усулда қайтарувчилар миқдорини аниқлаш. Мор тузи ва олма шарбати таркибидаги темир	2

	миқдорини аниқлаш	
8	Комплексонометрик усулда сувнинг умумий қаттиқлигини, озик-овқат маҳсулотларидаги (сут) кальций ва магний миқдорини аниқлаш (масалалар ечиш)	1
9	Потенциометрия. Озик-овқат маҳсулотлари рН ини ва нитрат, хлорид, кальций, калий ионларнинг миқдорини аниқлаш.	2
10	Фотоколориметрик усул ёрдамида Мор тузи таркибидаги Fe^{2+} миқдорини сут таркибидаги фосфорни аниқлаш.	3

3. Фан бўйича ўқув - услубий маълумотлар

Асосий ва қўшимча адабиётлар

1. М.Миркомилова «Аналитик кимё» Т., Ўзбекистон 1996.-335
2. М.Миркомилова «Аналитик кимё» Т., Ўзбекистон 2001. – 415
3. Назаров Ш.Н. Аминов З.А. «Аналитик химия» Т. «Ўқитувчи» 1984.-346
4. Ш.Т.Талипов Х.Ш.Хусаинов «Аналитик химиядан масала ва машқлар тўплами» Т. Ўқитувчи 1984. –220

4. Фан бўйича баҳолаш мезони

Талабалар билимини рейтинг тузимида баҳолаш мезони қуйидагича амалга оширилади. Фан учун ажратилган умумий соатлар (маъруза, амалий ва тажрибавий дарслар) энг юқори бални ташкил этади.

Шу балнинг 30 фоизи жорий баҳолашга (ЖБ), яъни ўзлаштиришга, 40 фоизи оралиқ баҳолашга (ОБ), сиртки шаклда таълим олаётган талабалар учун назорат ишини бажаришга ва 30 фоизи якуний баҳолашга (ЯБ) ажратилган.

Жорий баҳолашда – талабанинг лаборатория ишларини бажаришга нисбатан муносабати, олинган натижаларни лаборатория дафтарида

расмийлаштириши, ўтилган иш юзасидан берилган савол ва масалаларга жавоб бериши ҳисобга олинади.

Оралиқ баҳолашда – талабанинг назорат ишини вақтида вариантига мувофиқ олганлиги, савол ва масалалар шартига кўра жавобни ёзганлиги, тегишли кимёвий реакция тенгламаларни тўғри ёзганлиги, айрим масалаларга тегишли бўлган чизмаларни миллиметрли қоғозларга чизганлиги, фойдаланилган адабиётлар рўйхати кўрсатилганлиги, шахсий имзо қўйилганлиги ҳисобга олинади.

Якуний баҳолашга – эса фан бўйича кўрсатилган ишчи дастур юзасидан талабанинг мустақил тайёрланганлиги ва ўтилган маъруза юзасидан олган билимларига таяниб назорат саволига ёзган жавоби асосида рейтинг балли қўйилади.

Талаба кўрсатилган энг юқори баллдан 86-100 % тўпласа «аъло», 71-85 % тўпласа «яхши», 56-70 % тўпласа «қониқарли» баҳоланган бўлади.

Масалан. 30-01 МДДМКИТ гуруҳ талабалари учун «Аналитик кимё» фанидан энг юқори балл - 38 балл, ОБ-15 балл, ЖБ-11,5 балл, ЯБ – 11,5 балл.

5. Назорат ишини олиш учун кўрсатма

1. Кимё курсини ўрганишда талабалар дастур бўлимига оид услубий кўрсатмалар ва адабиётлар билан тўла танишиб чиқиши керак.

2. Адабиётлар билан танишганда талабалар асосий мавзуларни ўзлаштириш учун ёзиб олиши, мавзунинг моҳиятига назарий асосларига ва ишлатиш соҳаларига кўпроқ эътибор бериши керак.

3. Курсни ўрганиш пайтида баъзи бир қийинчилик ва тушунмаган саволлар пайдо бўлса, уларни ҳал қилиш учун кўрсатилган адабиётлардан фойдаланиши ёки Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноати технология институти «Умумий кимё» кафедраси ўқитувчиларига мурожаат қилиши мумкин.

4. Берилган мавзуларни чуқур ўрганиб, уларнинг моҳиятини тўлиқ тушуниб етгандан кейингина назорат ишларни бажаришга киришиши керак.

6. Талаба назорат ишни бажаришда қуйидаги шартларга риоя қилиш керак

1. Назорат ишнинг варианти талабани талабалик гувоҳномаси рақами охириги икки рақамига мос ҳолда олиниши керак. Масалан, талабанинг талабалик гувоҳномаси рақами 02343 бўлса, у 43 номерли вариантдаги рақамларга тегишли топшириқларни ёзиб олиши керак.

2. Агар топшириқни ечишда формулалар ишлатилса, шу формулаларни умумий кўринишда ёзиб, ундаги барча катталиқга изоҳ бериб, керакли ҳисоблашларни амалга ошириш керак.

3. Ҳар бир масалани ечишда қўлланилган ўзгартиришларни асослаб бериш лозим.

4. Назарий саволларга қисқа ва тўлиқ жавоб ёзиш керак.

Нazorat иш алоҳида дафтарда ёзилиши варақ четига хатоларни кўрсатиш учун етарли жой қолдирилиши керак. Дафтар юзида куллийт номи, гуруҳ рақами талабанинг исми, отасининг исми ва манзилгоҳи ёзилиши лозим. Масалаларнинг шартлари мустақил ишда келтирилган рақамда ёзилиб кейин унга жавоб ёзилиши керак ва охирида топшириқни бажариш учун фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ёзиб, иш бажарилган сана ва талабанинг шахсий имзоси қуйилиши шарт.

7. Масала ва машқлар

1. Аналитик кимё фанни нимани ўрганади.
2. Аналитик кимё фанини қандай усуллари биласиз?
3. Қайтар ва қайтмас реакциялар деб нимага айтилади.
4. Массалар таъсири қонунини таърифланг.
5. Массалар таъсири қонунининг аналитик кимёдаги аҳамиятини тушунтиринг.
6. Электродитик диссоциация нима ($K_{\text{дисс}}$, $\alpha_{\text{дисс}}$)?
7. С.Аррениус назариясини тушунтиринг.

8. Активлик ва активлик коэффициентлари тўғрисида тушунча беринг.
9. Сувнинг ионланиш pH ва pOH ҳақида тушунча беринг.
10. Буфер эритма нима?
11. Буфер сифими тўғрисида тушунча беринг.
12. Буфер эритмаларда pH ва pOH қандай ҳисобланади.
13. Буфер эритмалардан аналитик кимёда фойдаланаиш.
14. Туз гидролизи нима? Қандай тузлар гидролизга учрайди?
15. Гидролиз даражаси ваи константасига, изоҳ беринг.
16. Гидролизга учраган туз эритмаларининг pH ва pOH и қандай ҳисобланади.
17. Туз гидролизидан аналитик кимёда фойдаланиш.
18. Амфотер электролитлар нима? Мисоллар келтиринг.
19. Амфотерликнинг аналитик кимёдаги аҳамияти.
20. $25^{\circ}C$ да $0,1$ м H_2S эритмасидаги H^+ ионларининг концентрациясини ҳисобланг (диссоцияланишнинг иккинчи босқичини ҳисобга олмаган ҳолда). Жавоби: $[H^+] = 7,6 \cdot 10^{-5}$ моль/л.
21. $2,5608$ г сирка кислота бўлган 1 л эритмадаги водород ионларининг $\{H^+\}$ концентрацияси ва кислотанинг диссоциацияланиш даражасини ҳисобланг. ($K_{дисс} = 1,8 \cdot 10^{-5}$). Жавоби: $[H^+] = 0,0008$ моль/л, $\alpha = 0,02$ (2 %).
22. Қуйидаги эритмаларда ион кучини ҳисобланг: а) $0,03$ м $BaCl_2$; б) $0,001$ м HCl ; в) $0,2$ м $CaCl_2$ ва $0,1$ м HCl . Жавоби: а) $0,09$; б) $0,1$; в) $0,7$
23. $0,01$ м CH_3COOH ва $0,01$ м CH_3COOK буфер эритманинг pH ини ҳисобланг. Жавоби: $4,73$
24. $0,01$ м CH_3COOH ва $0,5$ м CH_3COONa буфер эритманинг pH ини ҳисобланг. Жавоби: $6,43$
25. $0,5$ м CH_3COOH ва $0,01$ м CH_3COOK буфер эритманинг pH ини ҳисобланг. Жавоби: $3,03$
26. $0,056$ моль NH_4OH ва $0,01$ моль/л NH_4Cl саклаган эритмани pH ини ҳисобланг. Жавоби: $pH = 9,00$
27. $2 \cdot 10^{-4}$ моль/л H^+ ионлари бўлган эритманинг pH ини ҳисобланг. Жавоби:

3,7

28.0,08 моль/л OH^- ионлари сақлаган эритманинг pH ини ҳисобланг.

Жавоби: 11,9

29.0,005 м HCl эритмасининг pH ини ҳисобланг. Жавоби: 2,30

30.pH и 5 тенг бўлган эритмадаги $[\text{H}^+]$ ва $[\text{OH}^-]$ ионларининг концентрациясини ҳисобланг. Жавоби: 10^{-5} г-ион/л, 10^{-9} г-ион/л.

31.Нима учун чўктириш кимёвий анализ усулларида бири бўлиб ҳисобланади?

32. Эрувчанлик кўпайтмаси нима (ЭК). Математик ифодасини ёзинг.

33. Эрувчанлик кўпайтмасига қандай омиллар таъсир қилади.

34. Эрувчанлик. Эрувчанликка таъсир қилувчи омиллар.

35. Чўкмаларни ҳосил бўлиш шартларини тушунтиринг.

36.Тўла чўкишга қандай омиллар таъсир қилади?

37.Туз эффекти нима?

38.Қуйидаги тузларнинг ЭК нинг математик ифодасини ёзинг. Кумуш бромид, барий сульфат, кальций карбонат, никель сульфид).

39. ЭК қийматин. BaSO_4 сувда эрувчанлиги $2,3 \cdot 10^{-4}$ г/л га тенглигини билган ҳолда унинг и ҳисобланг. Жавоби: $9,8 \cdot 10^{-11}$.

40.Сувда эрувчанлиги $1,3 \cdot 10^{-3}$ г/л бўлган CaCO_3 нинг ЭК қийматини ҳисобланг. Жавоби: $1,7 \cdot 10^{-8}$.

41.Сувда эрувчанлиги $2,67 \cdot 10^{-2}$ г/л бўлган MgCO_3 нинг ЭК қийматини ҳисобланг. Жавоби: $1,01 \cdot 10^{-5}$.

42.25°C да эрувчанлиги $1,86 \cdot 10^{-4}$ г/л бўлган AgCl нинг ЭК қийматини ҳисобланг. Жавоби: $1,69 \cdot 10^{-10}$.

43. $\text{Fe}(\text{OH})_2$ нинг сувда эрувчанлик кўпайтмаси $2,0 \cdot 10^{-10}$ га тенглигини билган ҳолда, унинг туйинган эритмасидаги Fe^{2+} ва OH^- ионлари концентрациясини ҳисобланг. Жавоби: $0,37 \cdot 10^{-3}$ моль/л ва $0,74 \cdot 10^{-3}$ моль/л.

44. AgCl нинг ЭК қиймати $1,1 \cdot 10^{-10}$ эканлигини билган ҳолда унинг эрувчанлигини моль/л ва г/л да ҳисобланг. Жавоби: $1,05 \cdot 10^{-5}$ моль/л,

$1,49 \cdot 10^{-3}$ г/л.

45. $\text{Pb}(\text{NO}_3)_2$ нинг 0,01 н эритмасига тенг хажмда: а) KCl нинг 0,02 н эритмасидан; б) KCl нинг 0,3 н эритмасидан қўшилганда чўкма тушиш ёки тушмаслигини тушунтиринг.

46. Агар NaCl билан NaJ 0,2 М ли эритмалари аралашмасига аста-секин AgNO_3 эритмаси қўшилса, қайси модда аввал чўкмага тушади? ($\text{ЭК}_{\text{AgCl}} = 1,1 \cdot 10^{-10}$, $\text{ЭК}_{\text{AgJ}} = 1,0 \cdot 10^{-16}$).

47. Агар бир хил концентрацияли Ba^{2+} Sr^{2+} ионлари аралашмасига аста-секин H_2SO_4 қўшилса, қайси модда аввал чўкмага тушади? Нима учун?

48. 50 мл 0,5 м K_2CrO_4 ва 0,005 м AgNO_3 эритмалари аралаштирилди. Чўкма ҳосил бўладими. Жавобингизни асосланг. ($\text{ЭК}_{\text{AgCrO}} = 8,8 \cdot 10^{-12}$).

49. PbCl_2 нинг ЭК қиймати $2,4 \cdot 10^{-4}$ га тенг. Унинг эрувчанлигини г/л ва моль/л да ҳисобланг.

50. 45 мл 0,04 м KCl ва 35 мл 0,02 м $\text{Pb}(\text{NO}_3)_2$ эритмалари аралаштирилди. Чўкма ҳосил бўладими? Жавобингизни асосланг.

51. $\text{CaC}_2\text{O}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ нинг эрувчанлик кўпайтмаси $2 \cdot 10^{-9}$ га тенг. Унинг эрувчанлигини моль/л ва г/л да ҳисобланг. Жавоби: $0,45 \cdot 10^{-4}$ моль/л, $5,67 \cdot 10^{-3}$ г/л.

52. AgJ нинг эрувчанлик кўпайтмаси $1,5 \cdot 10^{-16}$ эканлигини билган ҳолда унинг эрувчанлигини моль/л ва г/л ҳисобланг.

53. Комплекс бирикмалар деб нимага айтилади.

54. Комплекс бирикмаларнинг қўш тузлардан фарқи нимада?

55. Комплекс бирикмаларнинг тузилиши тўғрисидаги Вернер назариясини тушунтиринг.

56. Комплекс бирикмаларнинг беқарорлик ва барқарорлик доимийси нима?

57. Комплекс бирикмалардан аналитик кимёда фойдаланиш.

58. Ички комплекс бирикмалар нима?

59. Комплекс ионларнинг зарядини аниқланг: $[\text{Fe}^{2+}(\text{CN})_6]^x$; $[\text{Fe}^{3+}(\text{CN})_6]^x$; $[\text{Pt}^{4+}(\text{NH}_3)_6]^x$; $[\text{Pt}^{4+}(\text{NH}_3)_2\text{Cl}_4]^x$?

60. Комплекс ҳосил қилувчи марказимй ионнинг зарядини аниқланг:
 $K_3[Co(NO_2)_6]$: $[Ni(NH_3)_4](OH)_2$: $[Ag(NH_3)_2]Cl$?
61. Қуйидаги комплексларнинг беқарорлик доимийсини математик ифодасини ёзинг. а) $[Fe(CN)_6]^{4-}$: б) $[Hg(NH_3)_4]^{2+}$: в) $[Ag(NH_3)_2]^+$
62. Қуйидаги (бир хил ҳажмда олинган), комплекс бирикмалардан қайси бирида Ag^+ ионини концентрацияси кўп, неча марта : $K[AgCl_2]$ ва $Na[Ag(CN)_2]$
63. Оксидланиш-қайтарилиш реакцияси деб нимага айтилади?
64. Асосий оксидловчи ва қайтарувчиларга мисоллар келтиринг.
65. Оксидланиш-қайтарилиш потенциалли нима?
66. Нернст тенгламасини ёзиб ўзгармас катталикларига изоҳ беринг.
67. Нормал потенциал, реалъ потенциал, формал потенциал тушунчаларига, изоҳ беринг.
68. Оксидланиш-қайтарилиш реакцияларидан аналитик кимёда фойдаланиш.
- 69.^x Қуйидаги оксидланиш-қайтарилиш реакция тенгламаларини охиригача ёзиб, электрон баланс усули билан тенглаштиринг. Реакция (система)нинг ЭЮК ини ҳисоблаб, реакциянинг йўналишини аниқланг.
- а) $KJ + K_2Cr_2O_7 + H_2SO_4 = J_2 + Cr_2(SO_4)_3 + K_2SO_4 + \dots$
- б) $HgCl_2 + SnCl_2 = Hg_2Cl_2 + SnCl_4$
- 70.^x а) $KCrO_2 + H_2O_2 + KOH = K_2CrO_4 + \dots$
- б) $NaCl + KMnO_4 + H_2SO_4 = Cl_2 + MnSO_4 + K_2SO_4 + Na_2SO_4 + \dots$
- 71.^x а) $NaCrO_2 + NaOH + H_2O_2 = Na_2CrO_4 + \dots$
- б) $FeCl_3 + H_2S = FeCl_2 + S + \dots$
- 72.^x а) $MnSO_4 + NaBiO_3 + HNO_3 = HMnO_4 + NaNO_3 + Bi(NO_3)_3 + Na_2SO_4 + \dots$
- б) $CrCl_3 + Br_2 + \dots = K_2CrO_4 + KBr + \dots$
- 73.^x а) $Cu + HNO_3 = Cu(NO_3)_2 + NO + \dots$
- б) $KBiO_3 + HCl = KCl + BiCl_3 + Cl_2 + \dots$
- 74.^x а) $Cr(NO_3)_2 + NaBiO_3 + HNO_3 = Na_2Cr_2O_7 + Bi(NO_3)_3 + \dots$
- б) $MnCl_2 + HCl = KCl + BiCl_3 + Cl_2 + \dots$
- ^x – Мисолларни шартли 69-мисолда берилган

75. ^x а) $\text{KJ} + \text{KNO}_2 + \text{H}_2\text{SO}_4 = \text{J}_2 + \text{K}_2\text{SO}_4 + \text{NO} + \dots$

б) $\text{KMnO}_4 + \text{FeSO}_4 + \text{H}_2\text{SO}_4 = \text{MnSO}_4 + \text{Fe}_2(\text{SO}_4)_3 + \text{K}_2\text{SO}_4 + \dots$

76. ^x а) $\text{FeSO}_4 + \text{HNO}_3 + \text{H}_2\text{SO}_4 = \text{Fe}_2(\text{SO}_4)_3 + \text{NO} + \dots$

б) $\text{K}_2\text{Cr}_2\text{O}_7 + \text{H}_2\text{S} + \text{H}_2\text{SO}_4 = \text{Cr}_2(\text{SO}_4)_3 + \text{S} + \text{K}_2\text{SO}_4 + \dots$

77. ^x а) $\text{Cr}_2(\text{SO}_4)_3 + \text{Cl}_2 + \text{KOH} = \text{K}_2\text{CrO}_4 + \text{KCl} + \text{K}_2\text{SO}_4 + \dots$

б) $\text{SO}_2 + \text{KMnO}_4 + \text{KOH} = \text{K}_2\text{SO}_4 + \text{MnO}_2 + \dots$

78. Сифат анализининг моҳияти, предмети ва вазифалари ҳақида қисқача тушунча беринг?

Қандай реакцияларга аналитик реакциялар дейилади? Ташқи эффект нима?

Аналитик реакцияларнинг очилиш минимуми, сезгирлиги ва ўзига хослиги тушунчаларини мисоллар билан тушунтиринг.

Аналитик гуруҳ ва гуруҳ реагенти нима? Катионларнинг гуруҳларга тақсимланиши нимага асосланган.

Бўлиб-бўлиб ва систематик анализ тушунчаларига, изоҳ беринг.

Аналитик гуруҳ ва гуруҳ реагенти нима? Катионларнинг гуруҳларга тақсимланиши нимага асосланган.

Аналитик кимё лабораториясида ишлаш қоидаларини тушунтиринг.

Аналитик кимё лабораториясида қандай асбоб ва идишлардан фойдаланилади.

Биринчи аналитик гуруҳ катионларига умумий тавсия беринг.

NH_4^+ ва Mg^{2+} ионларини ўзига хос реакция тенгламаларини ёзинг.




Нима учун K^+ ионини $\text{Na}_3[\text{Co}(\text{NO}_2)_6]$ билан ишқорий ёки кучли кислотали муҳитда очиб бўлмайди?

Калий фосфат билан натрий кобальтинитрит орасида борадиган аналитик реакция тенгламани ёзинг.

Mg^{2+} ионини II аналитик гуруҳ катионлари бўлган эритмадан

Na_2HPO_4 таъсирида очиш мумкинми? Жавобингизни изоҳлаб, тегишли реакция тенгламаларини молекуляр ва ионли кўринишда ёзинг. (ЭК қийматларини кўрсатинг).

Қуйидаги реакцияларни тугатиб молекуляр ва ионли кўринишда ёзинг.



II аналитик гуруҳ катионларига умумий тавсиф беринг.

Нима учун Ba^{2+} нинг Ca^{2+} дан $K_2Cr_2O_7$ таъсирида ажратишда CH_3COONa қўшилади. CH_3COONa ни $NaOH$ га алмаштирса бўладими?

II аналитик гуруҳ катионларига гуруҳ реагентининг таъсирини тушунтиринг.

I – II аналитик гуруҳ катионлари аралашмаси анализини тушунтиринг.

III аналитик гуруҳ катионларига умумий тавсиф беринг.

III аналитик гуруҳ катионларига гуруҳ реагентининг таъсирини тушунтиринг.

Al^{3+} ва Mn^{2+} ионларига $(NH_4)_2S$ таъсир эттирилганда қайси ион чўкмага тушади? Сабабини тушунтиринг.

Al^{3+} ва Zn^{2+} ионларига Na_2CO_3 ва CH_3COONa билан сувли муҳитда ўзаро таъсир реакция тенграмасини ёзинг.

III аналитик гуруҳ катионлари аралашмасини кислота-асосли усул билан анализ қилиш тартибини тушунтиринг.

IV аналитик гуруҳ катионларига умумий тавсиф беринг.

IV аналитик гуруҳ катионларига гуруҳ реагентининг таъсири.

V аналитик гуруҳ катионларига умумий тавсиф беринг.

V аналитик гуруҳ катионларининг гуруҳ реагенти таъсирида системали анализ қилиш усулига изох беринг.

Ag^+ катионини Pb^{2+} ионидан қандай ажратиш мумкин?

Анионларга умумий тавсиф беринг.

Анионлар қандай гуруҳларга тақсимланган.

Тортма анализ нимага асосланган?

Тортма анализнинг қандай усуллари биласиз?

Микдорий анализ лабораториясида қандай асбоб ва ускуналар ишлатилади.

Тортма анализ қандай тартибда бажарилади.

Чўктириладиган ва тортиладиган шакл нима? Мисоллар келтиринг.

Чўктириладиган ва тортиладиган шаклларга қандай талаблар қўйилган.

Кристалл ва аморф чўкмаларни чўктириш шарт-шаротларини тушунтиринг.

Адсорбция, акклюзия изоморф тушунчаларига изох беринг.

Биргалашиб чўкиш нима?

Чўктирувчини танлашг ва унга қўйилган асосий талаблар.

Чўкмани декантация усули билан ювиш нима?

Тортма анализнинг афзалликлари ва камчиликларини кўрсатинг.

Тортма анализда учрайдиган хатоларнинг асосий манбаларини кўрсатинг.

Моддалар миқдорини аниқлашда йўл қўйиладиган хатоларнинг қандай турларини биласиз.

Ўлчашнинг нисбий ва абсолют хатоси нима? Мисоллар келтиринг.

$\text{FeSO}_4 \cdot 7\text{H}_2\text{O}$ таркибидаги темирнинг миқдорини Fe_2O_3 кўринишида аниқлаш учун қанча намуна олиш керак (чўкма миқдори 0,2 г).

Жавоби: 0,7 г

0,2466 г қотишма ишланиб, 0,2675 г. AgCl олинган бўлса, қотишма таркибидаги Ag нинг фоиз миқдорини ҳисобланг. Жавоби: 81,64 %

0,6 г AgNO_3 сақлаган эритмадан Ag ни AgCl шаклида чўктириш
 учун 0,1 н . HCl эритмасидан неча мл. керак бўлади. Жавоби: ~53 мл
 (1,5 марта ортиқчаси билан).

0,7 г CaCO_3 ни эритиш билан ҳосил қилинган, эритма таркибидаги
 Ca^{2+} чўктириш учун 0,5 н. $(\text{NH}_4)_2\text{C}_2\text{O}_4$ эритмасидан неча мл керак.
 Жавоби: ~42 мл (1,5 марта ортиқчаси билан).

Барий сақлаган эритмадан 0,5864 г BaSO_4 чўкмаси олинди.
 Чўкманинг массаси қанча а) Ba ; б) BaO ; в) $\text{BaCl}_2 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ массаларига
 тўғри келади. Жавоби: а) 0,3451 г; б) 0,3853 г ; в) 0,6137 г.

Магнезит намунаси анализ қилинганда 0,2514 г $\text{Mg}_2\text{P}_2\text{O}_7$ чўкмаси
 ҳосил қилинди. Намуна таркибидаги Mg нинг фоиз миқдорини
 ҳисобланг?

Ҳажмий анализнинг моҳияти.

Ҳажмий анализнинг қандай турларини биласиз?

Ҳажмий анализда қандай ўлчов идишлари ишлатилади.

Титрант, стандарт эритма, титрлашнинг охириги нуқтаси, эквивалент
 нуқта тушунчаларига изоҳ беринг.

Қандай моддалар бошланғич моддалар дейилади ва улар қандай
 талабларга жавоб бериши керак.

Стандарт эритмалар қандай усуллар билан тайёрланади.

Эритма концентрацияси қандай усуллар билан ифодаланади.

Ҳажмий анализда борадиган реакциялар қандай талабларга жавоб бериши
 керак.

Нейтраллаш усулининг моҳиятини тушунтиринг.

Нейтраллаш усулида эквивалент нуқта қандай аниқланади.

25 мл HCl эритмасини ($T_{\text{HCl}/\text{NaOH}} = 0,01122$ г/мл) титрлаш 25,82 мл NaOH
 сарф бўлди. NaOH эритмасини нормал концентрациясини ҳисобланг.
 Жавоби: 0,2716 н

Титри 0,003592 г/мл бўлган HCl эритмасининг нормал концентрациясини
 ҳисобланг. Жавоби: 0,09858 н

- 0,1205 н H_2SO_4 эритмасини титрини ҳисобланг. Жавоби: 0,00590 г/мл.
- 20,00 мл HNO_3 ни титрлаш учун 15,00 мл 0,1200 н NaOH эритмаси сарф бўлди. HNO_3 эритмасини нормал концентрацияси, титри ва 250 мл эритмадаги миқдорини ҳисобланг. Жавоби: $N = 0,0900$; $T = 0,005672$ г/мл; $m = 1,418$ г.
- 21,00 мл 0,1133 н HCl эритмасини титрлаш учун 0,1500 н NaOH эритмасидан неча мл сарф бўлади. Жаовби: 15,85 мл
- Титри 0,003810 г/мл бўлган 21,00 мл HCl эритмасини титрлаш учун 0,1500 н NaOH эритмасидан қанча ҳажм керак бўлади. Жавоби: 14,63 мл.
- 250 мл ўлчов колбасига 1,7334 г $\text{H}_2\text{C}_2\text{O}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ эритилган эритманинг нормал концентрациясини ҳисобланг. Жавоби: 0,1100 н.
- H_2SO_4 эритмасини титрлаш учун 0,2140 н NaOH эритмасидан 25,40 мл сарф бўлди. Эритмадаги H_2SO_4 миқдорини ҳисобланг. Жавоби: 0,2666 г.
- 25,00 мл KOH эритмасини титрлаш учун 0,1265 н H_2SO_4 эритмасидан 28,40 мл сарф бўлди. KOH эритмасининг нормаллигини ҳисобланг. Жавоби: 0,1437 н.
- 20,00 мл NaCl эритмасини титрлаш учун 18,25 мл 0,1140 н AgNO_3 эритмаси сарф бўлса, NaCl эритмасини нормаллигини ҳисобланг. Жавоби: 0,1040 н.
- 20 мл H_2SO_4 эритмасини титрлаш учун титри 0,008110 г/м бўлган NaOH эритмасидан 21,55 мл сарфланди. H_2SO_4 нинг нормаллигини ҳисобланг. Жавоби: 0,2185 н.
- 25 мл HCl эритмасини титрлаш учун 24Ю85 мл ($T_{\text{KOH}} = 0,02806$ г/мл) KOH сарфланди. HCl нинг нормаллигини ҳисобланг. Жавоби: 0,1875 н.
- 20,00 мл ишқор эритмасини титрлаш учун 19,10 мл ($T_{\text{H}_2\text{SO}_4} = 0,01000$ г / мл) H_2SO_4 сарф бўлди. Ишқорнинг нормаллигини ҳисобланг. Жавоби: 0,1947 н.
- 0,2648 г техник содани титрлаш учун 0,1970 н HCl эритмасидан 24,45 мл сарф бўлди. Техник сода таркибидаги Na_2CO_3 ни (%) фоиз миқдорини ҳисобланг. Жавоби: 95,50 %.
153. Ҳажмий анализнинг оксидланиш-қайтарилиш усуллари ва уларнинг

моҳияти тўғрисида изох беринг.

Оксидланиш-қайтарилиш усулларида эквивалент нукта қандай аниқланади. Мисоллар келтиринг.

Оксидланиш-қайтарилиш индикаторлари нима? Уларнинг ранги қандай кимёвий жараёнлар натижасида ўзгаради?

Оксидиметрик титрлашда автокаталитик реакциянинг аҳамияти нимада? Мисоллар билан тушунтиринг.

Титраметрик анализда қўлланиладиган оксидланиш-қайтарилиш реакциялари қандай талабларга жавоб бериши керак?

Оксидиметрик титрлаш усулли ёрдамида қандай моддалар миқдорини аниқлаш мумкин? Мисоллар келтиринг.

Перманганометрик усулнинг моҳияти нимада? Нима учун KMnO_4 эритмасини бевосита тўғри намунадан тайёрлаб бўлмайди?

Перманганометрик усулнинг афзаллик ва камчиликлари нимада.

Иодометрик усулнинг моҳияти. Ишчи эритмаларини тайёрлаш ҳақида қисқача тушунча беринг.

Иодометрик анализ усул билан қандай моддалар миқдори аниқланади (тўғри, тескари ва ўринбосарни титрлаш)? Мисоллар келтиринг.

Иодометрик ва хроматометрик анализ усуллари қандай афзаллик ва камчиликларга эга.

KMnO_4 нинг 0,05 н 750 мл эритмасини тайёрлаш учун, неча грамм KMnO_4 керак бўлади (кислотали муҳитда). Жавоби: 1,2 г

Титри 0,001617 г/мл бўлган 1250 мл KMnO_4 эритмасини тайёрлаш учун неча грамм KMnO_4 олинган. Жавоби: 2,021 г.

Титри темир бўйича $T_{\text{KMnO}_4 \text{ ? Fe}} = 0,005585 \text{ г / мл}$ бўлган 2,5 л эритма тайёрлаш учун неча грамм KMnO_4 олинган (кислотали муҳитда). Жавоби: 8 г.

500 мл ҳажмли колбада 1,8750 гр KMnO_4 эритилди. Эритманинг а) кислотали ; б) ишқорий муҳит учун нормаллигини ҳисобланг.

Жавоби: а) 0,1187; б) 0,07122 н.

0,0205 н KMnO_4 эритмасининг а) $\text{H}_2\text{C}_2\text{O}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$; б) Fe бўйича титрини ҳисобланг. Жавоби: а) 0,00129 г/мл; б) 0,00145 г/мл.

Калий перманганатнинг нормаллиги 0,01200 н га тенг. Унинг $\text{Na}_2\text{C}_2\text{O}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ ва KNO_2 бўйича титрини ҳисобланг. Жавоби: 0,00162 г/мл, 0,00051 г/мл

15 мл $\text{H}_2\text{C}_2\text{O}_4$ ни титрлаш учун 0,01830 н эритмасидан 8,3 мл KMnO_4 сарфланди. Оксалат кислотасининг нормал концентрациясини ва KMnO_4 бўйича титрини ҳисобланг ($\text{pH} < 7$). Жавоби: 0,0101 н, 0,0032 г/мл

10 мл эритмасини титрлаш учун 13 мл 0,266 н $\text{Na}_2\text{S}_2\text{O}_3$ эритмаси сарфланди. Иод эритмасининг нормаллигини ҳисобланг. Жавоби: 0,3458 н.

25,00 мл CuSO_4 эритмасини титрлаш учун 0,05 н $\text{Na}_2\text{S}_2\text{O}_3$ эритмасидан 18,60 мл сарф бўлди. 100 мл CuSO_4 эритмасидаги CuSO_4 миқдорини (г) ҳисобланг. Жавоби: 0,2363 г.

173. Ҳажмий анализ чўктириш усулининг моҳиятини тушунтиринг.

Чўктириш усулининг қандай турларини биласиз?

Ҳажмий анализнинг чўктириш усули билан ишлаганда қандай шартларга риоя қилиш керак.

Мор усулини тушунтириб беринг.

Чўктириш усулида эквивалент нукта қандай аниқланади.

Чўктириш усулида қандай индикаторлар ишлатилади?

Комплексонометрик титрлаш усулининг моҳияти нимада?

Комплексонлар нима?

Комплексонометрик титрлашда эквивалент нукта қандай аниқланади?

Металл-индикаторлар нима?

Нима учун комплексонометрик титрлаш аммиакли буфер эритма иштирокида олиб борилади.

Комплексонлар қаерларда ишлатилади?

25,00 мл 0,5 н AgNO_3 эритмаси билан неча гр NaCl реакцияга киришади.

Жавоби: 0,7310 г.

46,16 мл AgNO_3 эритмасини титрлаш учун, титри 0,005000 г/мл тенг бўлган 25,00 NaCl сарф бўлди. AgNO_3 нормалигини ва титрини ҳисобланг. Жавоби: 0,0463 н, 0,00787 г/мл .

25,00 мл KJ ни титрлаш учун 0,1050 н 34,00 мл AgNO_3 эритмаси сарф бўлди. 250 мл KJ эритмасида неча гр KJ борлигини ҳисобланг. Жавоби: 5,9262 г.

